XALQ DEPUTATLARI TOMDI TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 26 - aprel VI-37-54-5-75-K/22 Tomdi tumani hokimligi

Томди туманидаги 12 та қабристонларни номлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 16-октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Географик объектларни номлаш тўғрисидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Географик объектларга ном бериш ёки уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларини давлат экспертизасидан ўтказиш эксперт коммисиясининг 2022 йил 24 февралдаги 01-14-218-сонли эксперт хулосаси ва туман ҳокимлигининг қабристонларга ном бериш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Географик объектларга ном бериш ёки уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларини давлат экспертизасидан ўтказиш эксперт коммисиясининг 2022 йил 24 февралдаги 01-14-218-сонли хулосаси ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссияси”нинг туманда 12 та қабристонлар географик объектни номлаш, қайта номлаш ва уларнинг номини ўзгартириш тўғрисидаги 2022 йил 8 февралдаги 2-сонли йиғилиш баёни маъқуллансин.

2. Туманда 12 та қабристон номлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман статистика бўлими (Е.Жусипбеков), Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси Томди тумани филиали бошлиғи (И.Бобокулов), туман ҳокимлиги билан биргаликда қайта номланган 12 қабристон номларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва електрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсин.

4. Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси Томди тумани филиали бошлиғи (И.Бобокулов) ҳудудлардаги 12 та қабристон номлари ёзилган кўрсатгич белгилар, пешлавҳаларини замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор матбуотда расман еълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари ва Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (Н.Бекназаров) зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **К.Т.Алдабергенов**

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 26 apreldagi
VI-37-54-5-75-K/22-son qaroriga
1-ilova

Туман ҳудудидаги мавжуд қабрстонларни номлаш бўйича

жадвал

т/р	География объектлар-нинг тури	Жойлашган ўрни	География объектнинг амалдаги номи	Комиссия томонидан берилган таклиф	Изоҳ
1	Қабристон	“Шарқ” ОФЙ	“Роҳат”	“Оспанқожа”	*Оспан деган киши бўлиб ўтган. У киши шу ернинг имоми ҳисобланган, аҳоли олдида ҳурмат эътиборга эга киши бўлганлиги сабабли шу ном қўйилган*
2	Қабристон	“Шарқ” ОФЙ	“Ақтақир”	“Анғарабий”	*Анғарабий деган киши бўлиб ўтган, у киши шу ернинг бийи ҳисобланиб аҳоли олдида ҳурмат эътиборга га киши бўлганлиги сабабли шу ном қўйилган*
3	Қабристон	“Томдибулоқ” ОФЙ	“Жинғилди”	“Жинғилди”	*Ушбу ҳудудда Жинғил ўсимлиги кўп ўсганлиги сабабли Жинғилди деб номланган*
4	Қабристон	“Шарқ” ОФЙ	“Қизилқудуқ”	“Қизилқудуқ”	*Қизил қумнинг ичида қудуқ жойлашганлиги сабабли Қизилқудуқ деб номланган.*
5	Қабристон	“Ақтов” ОФЙ	“Қинир”	“Қинир”	*Ушбу ҳудудда шамол кўп бўлганлиги сабабли Қинир деб номланган.*
6	Қабристон	“Керегетов” ОФЙ	“Ортақудуқ”	“Ортақудуқ”	*Аҳоли ўртасида қудуқ жойлашганлиги сабабли Ортақудуқ деб номланган*
7	Қабристон	“Керегетов” ОФЙ	“Жириқ”	“Жириқ”	*Ушбу ҳудудда булоқ суви оқиб ўтганлиги сабабли Жириқ деб номланган*
8	Қабристон	“Шиели” ОФЙ	“Аққабақ”	“Аққабақ”	*Ушбу ҳудудда шамол бўлган пайтида ердан қум кўтарилиб оқ тусга кирганлиги сабабли Аққабақ номини олган*
9	Қабристон	“Аяққудуқ” ОФЙ	“Шимбай”	“Шимбай”	*Ўз вақтида Шимбай деган киши бўлиб ўтган, у киши аҳоли олдида ҳурмат эътиборга эга киши бўлганлиги сабабли шу ном қўйилган*

10	Қабристон	“Аяққудуқ” ОФЙ	“Ергеш”	Балшқожа	*Ўз вақтида Балшқожа деган киши бўлиб ўтган, у киши шу ернинг имоми ҳисобланган аҳоли олдида ҳурмат эътиборга эга киши бўлганлиги сабабли шу ном қўйилган.*
11	Қабристон	“Аяққудуқ” ОФЙ	“Алдаберген”	“Қожабек молда”	*Ўз вақтида Қожабек молда деган киши бўлиб ўтган, у киши шу ернинг мулласи ҳисобланиб, аҳоли олдида ҳурмат эътиборга эга киши бўлганлиги сабабли шу ном қўйилган*
12	Қабристон	“Аяққудуқ” ОФЙ	“Кулумбет”	“Оққудуқ”	*Ушбу қабристоннинг ёнида қудуқ бўлганлиги сабабли Оққудуқ деб номланган*